



ХВЖ: 2023 ОФИР ЙИЛ БЎЛАДИ

Халқаро валюта жамғармаси башоратиға кўра, глобал иқтисодиётнинг учдан бири рецессияға тушади. Бу йил АҚШ, Европа Иттифоқи ва Хитой иқтисодлари секинлашади, буларнинг асосий сабаблари Украина уруши, нарх-наволар қимматлашиши, фоиз ставкаларининг кўтарилиши ва Хитойда яна ковид юқиши ҳолатлари кўпайиб бораётганидир.

Ўтган йилда юз берган воқеалар ниҳоят жаҳон иқтисодиётига путур етказди, нормал ҳаётга ва ковид инқирозидан илгариги ўсиш суръатларига қайтишни тўхтатди. 2023 йилнинг бошланиши бирор енгиллик билан келмади, бу йил тушиш – рецессия йили бўлиши мумкин.

Ҳозирги иқтисодий касаллик сабаблари жаҳон иқтисодиётининг сурункали муаммолари билан боғлиқ. Агар Россия армияси Украинаға бостириб кирмаганда ҳамда энергия уруши бошланмаганида, иқтисод бу касалликка бирмунча бардош берар эди. Россиянинг Украинадаги ҳарбий ҳаракатлари натижасида юзага келган ваҳима дунёда ковиддан кейинги тикланишни тўхтатган охири зарба бўлди.

“2023 йил яқинлашар экан, у XXI аср антирейтингида учинчи бўлади, деган прогнозлар кўпаймоқда. Пандемия бошланган 2020 йилда ва глобал молиявий инқироздан кейинги 2009 йилда шунақа бўлганди”, дея таъкидлаган Янги йилдан олдин Deutsche Bank иқтисодчилари. 2009 ва 2020 йилларда

ҳам дунё рецессияға юз тутди. Иқтисодчилар рецессия даврини олти ой ёки ундан кўпроқ вақт давом этишини таъкидламоқдалар, бунда иқтисодиётда бойлик, ишлаб чиқариш ва ишбилармонлик ўсиши ўрнини рецессия эгаллайди. Чунки, одамлар қашшоқлашмоқда, компаниялар банкрот бўлмоқда, ижтимоий харажатлар қисқармоқда, инфратузилма таназзулга юз тутмоқда, келажакка сармоя - таълим, ишлаб чиқариш, технология - барбод бўлмоқда.

Яқин вақтгача воқеаларнинг бундай ривожланишини ҳеч ким бунчалик олдиндан айтиб бермаган. Ковид пандемияси давридаги 3 фоизлик тушишдан кейинги йили - 2021 йилда иқтисодиёт 6 фоизга ўсди, аммо ўсиш 2022 йилда тахминан 3 фоизгача секинлашди ва иқтисодчилар янги йилда ўсиш 2,2 фоиз бўлади демоқда. Гарчи суст бўлсада, дунё иқтисоди ўсиб бормоқда ва глобал ялпи ички маҳсулот 2022 йилда тарихда биринчи марта 100 триллион доллардан ошди. Ривожланган мамлакатларга бу миқдорнинг 57 фоизи, шу жумладан, АҚШ (жаҳон иқтисодиётининг 25 фоизи) ва Европа Иттифоқи (17 фоизи) ҳиссасига тўғри келади. Ривожланаётган мамлакатлардан Хитой 18 фоиз билан анча олдинда. Россия улуши атиги 2 фоизни ташкил қилади. Бироқ айнан Ғарбий Европа 2023 йил инқирозининг энг оғир зарбасини қабул қилиб олади.

(Давоми 4-саҳифада)

“АГАР ҲАЁ ҚИЛМАСАНГ, ХОҲЛАГАН НАРСАНГНИ ҚИЛ”



ёхуд зиёратни шоуга айлантираётганлар...

Эртақларимиз одатда шундай яқунланади:

«Қирқ кечаю қирқ кундуз элга тўй бериб мурод мақсадларига етибди».

Гўёки азал-азалдан бу дунёда яшаидан мақсадимиз тўй кўриш, элга ош бериш ва шу орзуларгина бизни мурод-мақсадимизга етказиши. Эртақларимиз бошқачароқ яқунланганида бугун бошқачароқ яшайтган бўлармидик.

Юз йиллардан бери тўйлардаги исрофгарчиликлар ҳақида гапирилади. «Тўй ва таъзияға сарф қилинатургон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлиға сарф этсак, анқариб оврупойилардек тараккий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизға давом этсак, дин ва дунёға зиллат ва мискиннатдан бошқа насибамиз бўлмайду». Махмудхўжа Бехбудий, «Ойна» журнали, 1915 йил.

Бу куйиниб айтилган гапларга 100 йилдан ҳам ошиб кетди. Аммо ҳамон ўша исрофгарчилик. Худди исрофгарчилик, ким ўзарга дабдаба қилиш бўйича баҳона излаётгандекмиз. Озгина сабаб бўлса биз тўйлар қилаверсак, тўкиб сочаверсак... Энди Ҳаж, Умра зиёратларининг дабдабаға, ҳатто шоуга айланаётганини нима дейиш мумкин. Ўша тўйларда, маъракаларда исроф қилаётганларни тартибга чақирадиганлар Ҳажга, Умраға бориб келган хожи онаю, хожиоталар бўлиши керак эмасми?

«Буқа патир»дан тортиб «туя кўрпа»гача

Ижтимоий тармоқларда бир ҳамюртимиз шу кунларда ўзининг бошидан ўтган воқеани ёзиб қолдирди:

– Сингилжон, қудаларим эр-хотин Умраға бориб келишди, зиёратга бирга борайлик. Озроқ мазам бўлмаса ҳам опамнинг илтимосини рад қилолмадим, – деб ёзади ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан бири.

«Дамас»да икки кишига жой қолган экан холос, машина тоғораю кутиларга тўла.

– Таксини онлайн чақирсак бўлардию ҳайдовчи укамизни ҳам йўлдан қолдирибсиз-да, хойнаҳой дўконларига бозорлик қилиб кетаётган бўлсалар керак-а, укажон, дея ҳайдовчига савол бердим.

Ҳайдовчи мийиғида кулди-да опамга ўзингиз жавоб беринг, дегандай ишора қилди:

– Вой содда синглимей, булар ҳаммаси қудаларимга ва куёвимга атаб олинган, ахир Аллоҳни байтини зиёрат қилиб келишадю мен куруқ борсам уят бўладия.

– Опажон, тўй эмаску, ўзи нималар олдингиз?

– Битта саватда «буқа патир», биттасида ширмон нон, биттасида кўккон патир, бир тоғора сомса, бир тоғора норин, бир тоғора шашлик олдим ва яна қудаларимга бошдан оёқ сарпо, куёв ҳам ўксимасин деб бошдан оёқ сарпо, анави иккита «туя кўрпа» қайсингилларига олдим.

– Опа, ҳаммаси анча пул бўлади-ку, шартми шунча дабдаба, ахир тўй қилмаяпти-ку бу қудангиз?

(Давоми 5-саҳифада)

Муносабат



ВАТАНИЙ ИШҚ

“Одамларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаиш одамийликнинг энг муҳим мезони.” Давлат раҳбарининг илк президентлик фаолиятини бошлаган пайтдаги дастлабки мақсади худди шу ширда акс этган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқимизга, Олий мажлисга мурожаатномасини тинглаган киши ҳаракат ва мақсадларнинг ана шу тарафиға эътибор қилади.

2023 йилга нисбат бериб “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинганда, кўпчилик зиёлилар қатори камина ҳам руҳланди. Таълим тизимиға яқин бўлганим учун, жамиятнинг эртаси, истиқболи сўзсиз айнан илму таълим даражаси билан боғлиқ бўлганлиги учун ўзимни масъул шахслардан бири сифатида баъзи бир мулоҳазаларни билдириб ўтишни касбий бурчим деб билдим. Иккита сўз бирикмасидан таркиб топган йилнинг номланишида улуг ният — жамиятнинг бугуни ва эртасига дахлдор бўлган мақсадлар акс этган дейишимиз мумкин.

(Давоми 3-саҳифада)

ИНСОННИ ЭЪЗОЗЛАШ – ЭНГ АСОСИЙ МАСАЛА

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасини кўрдим, эшитдим, шундай юксак даражадаги тадбирда иштирок этганимдан гурурландим. Халқимизнинг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, ажратилаётган маблағлар ҳар бир беморга етиб бориши учун давлат тиббий суғуртасига ўтишни тезлаштириш ҳақидаги фикрларни тинглаб қувондим.

Бу тизимнинг Тошкент шаҳрида жорий қилиниши ва босқичма-босқич бошқа ҳудудларни ҳам қамраб олиши соҳани сифат босқичига кўтарди ва шаффоликни таъминлайди.

Сўнги йилларда тиббиётнинг бирламчи бўғинига қаратилган эътибор натижасида янги-янги кишлоқ оилавий поликлиникалари қурилди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Уларни дори воситалари, тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш каби бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат тиббиёт муассасалари ходимлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2022 йил июнь ойидан бошлаб тиббиётнинг бирламчи бўғинида фаолият кўрсатаётган ходимларининг ойлик маошлари оширилган эди. Янги иш бошлаган салоҳиятли ёш шифокорларга бир миллион сўмгача махсус ойлик устамалар берилдиган бўлди. Поликлиникалар қошидаги кундузги шифохоналар фаолияти соат 20.00 гача узайтирилиши ҳисобига иккинчи сменада ишлайдиган шифокор ва ҳамшираларга лавозим маошининг 30 фоизгача ойлик қўшимча устамалар тўлаб берилиши йўлга қўйилди.

Президентимиз Мурожаатномада таъкидлаганидай, бугунги кунда аҳолининг маълум бир қисми турли хил

сурункали касалликлардан азият чекапти. Бу албатта жуда ачинарли. 40 ёшдан ошган аҳоли ўртасида бугунги кунда эндокрин, ЮҚТК касалликлари кўп учрапти, яъни бу касалликлар яшараяпти. Аёллар ўртасида кўкрак беши, бачадон бўйни саратони, 3-18 ёшли болалар орасида онкологик ва гематологик касалликлар, афсуски, кўпайган. Шунинг учун скрининг текширувларини ўтказиш орқали аҳоли орасида ана шундай касалликларни барвақт аниқлаш билан ногиронлик кўрсаткичларини, ўлим ҳолатларини камайтиришга эришяпмиз.

Поликлиникамиз ҳудудига қамраб олинган аҳолининг аксарияти маҳаллалар томонидан “Темир дафтар”га киритилган бўлиб, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, доимий ишсиз фуқаролар, карантин туфайли ишсиз қолган фуқаролар ҳисобланади.

Улар биринчи навбатда каерга мурожаат қилишади? Албатта бирламчи бўғинида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларига. Биз аҳолининг ана шу қатламларига алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Мақсадли патронаж, мақсадли тиббий кўриклар, скрининг текширувлари ва бошқалар ўзининг ижобий натижасини бераёпти.

Мен бирламчи бўғинида 43 йил-

дан буён фаолият кўрсатиб келаман. Поликлиникамиз аҳолиси ҳозирги пайтда 44631 нафарни ташкил қилади. Улар ичидан эҳтиёжманд аҳоли балансида алоҳида эътибор қаратганмиз. Тан олиш керак, илгарилари аҳоли шунчаки ёппасига тиббий кўриқдан ўтказиларди. Лекин ўша пайтда ҳам бундан на аҳоли, на биз тиббиёт ходимлари қониқмаганмиз. Ҳозир эса индивидуал режа асосида ҳудудлардаги касалликларнинг қайд этилишига қараб мақсадли скрининг текширувларини ўтказаямиз. Бу эса касалликларни олдиндан аниқлаб, тегишли муолажалар қилиш имконини беради.

Мурожаатномада “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракатини маҳалладан бошлаш, бу ҳаракатда ёш қари – барча юртдошларимиз иштирок этиши ҳақида таклифлар билдирилди. Соғлом овқатланиш рақибига доир тавсиялар одамларга етказилмаётгани, инсон саломатлиги, тиббиётнинг замини бўлган жисмоний машқларни ўргатиш ишлари йўқлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг бундан икки йил муқаддам пойтахтимизнинг Яшнобод туманида тиббиёт ходимлари ва ўқитувчилар билан учрашуви ёдимга тушиб қолди. Мен ўшанда сўзга чиқиб, поликлиникамиз ҳудудида яшайдиган аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш учун “Саломатлик йўлаклари” барпо этиш таклифини берган эдим. Бу таклифим инobatта олиниб, нафақат Шайхонтохур туманида, балки Тошкент шаҳрининг

барча туманларида “Саломатлик йўлаклари” барпо этилди. Бу албатта мени жуда қувонтирди. Чунки биз, тиббиёт ходимлари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, ушбу “Саломатлик йўлаклари”да уларни кечки овқатдан ҳеч бўлмаганда 30 дақиқа мобайнида сайр қилишларини кун тартибига кирита олсак, Мурожаатномада таъкидланганидай, бу инсон саломатлигининг замини бўлади. Ҳозир туманимиздаги деярли барча аҳоли кечки овқатдан кейин оилавий тарзда саломатлик йўлакларида ўз соғлиқларини мустаҳкамлаёпти. Бугунги кунда оилавий поликлиникалар томонидан маҳаллалар билан ҳамкорликда хатлов ишлари амалга оширилмоқда. Мақсад аҳоли орасида саломатлик ва касалланиш кўрсаткичларини ўрганиш ва келгусидаги ишларни тизимли, режали ҳамда мақсадли равишда амалга оширишга қаратилган.

Биз тиббиёт ходимлари Президентимизнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидланганидай, давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳасига, айниқса бирламчи бўғинга қаратилаётган бундай эътиборга жавобан сидқидилдан, виждонан, барча куч-гайратимизни сарфлаб халқ розилиги йўлида хизмат қилишга ҳаракат қиламиз.

Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА,
44-оилавий поликлиника
Бош шифокори,
халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгаши депутати.



Ҳали одамийлик йўлманди...

Инсон қанча бойлик орттириши мумкин? Устаган бойликнинг миқдори, чегараси борми? Қачон “бўлди, бошқа керак эмас, менга шу етади”, деб айтади?

Умуман, шундай дейдиганлар бормикин? Балки бордир. Аммо бўлса ҳам, мен шу ёшимгача бундайларни учратмадим. Чунки инсон истагининг чегараси йўқ. Бой бўлгани сари, яна ҳам бойроқ бўлай дейди. Пули, мол-дунёси кўпайгани сари, орзу-ҳаваслари ҳам шунга қараб ошиб боради. Энг ёмони, ана шу бойликка бўлган ҳирс баъзан туғишганларни бир-биридан жудо қилади. Отани ўғилга, акани укага ғаним қилиб қўяди. Бундайларни ҳаётда ҳар куни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлардим. Наҳотки, шу келиб кетувчи бойлик, жигардан, қондошликдан азиз бўлса, деб ўйлардим. Аммо бойлик бори ўғи синов эканлигини эса кўпинча бошга ташвиш тушганда англаймиз. Бу масалада бировга ақл ўргатмоқчи эмасман, ўргатолмайман ҳам. Айтмоқчи бўлганим, шу пайтгача бойликнинг ортидан бешиб кетаётган жигарларни кўриб, “етиб келибмиз”, деб ўйлагандим. Аммо янглишибман. Ҳали ҳаммаси тугамабди. Ҳали ўзбекчилик, меҳр-оқибат, қондошликни бой бермабмиз. Бундай хулосага келишга сафарда кўрганларим сабаб бўлди. Қондошлик, жигарлик ришталарининг қанчалар кадрли, мустаҳкам эканлигини шу ерда кўрдим.

Жигарининг бошига иш тушганда қараб ўтиролмайдиган опаларни, фарзандининг ҳаёти учун қалқон оталарни, турмуш ўртоғининг ҳаётига ўзи-

никени кемтик билиб, жонининг ярмини бераётган аёлларни, ҳаётга умид қолмаганда бир бегона аёлга ота-оналик қилаётган ҳазрати инсонларни кўрган-да, келдим шундай хулосага.

–Тўрт ойдан бери Ҳиндистондаман. Оилада уч киз, бир ўғлимиз. Битта опам, битта синглим ва шу укам бор. Унинг буйраги касал. Бир марта Қозғистонда алмаштирган эдик. Яхши бўлиб қолганди. Яна мазаси қочди. Тўртта боласи бор. Опамнинг турмуш ўртоғи ҳарбий, унга осон тутиб бўлмайди. Синглимнинг ёш боласи бор. Мендан бошқа ким келади, биттагина укам бўлса, жонимиздан азиз, – дейди Малоҳат (исми ўзгартирилган) исмли аёл. Менинг битта буйрагимни унга олиб қўйишмоқчи эди, тўғри келмади. Ҳозир жиянимнинг келишини кутяпмиз. У донорлик қилади. Ўғилларимни унаштириб қўйгандим. Октябрда бирваракай икита келин туширдик. Аммо тўйда мен бўлмадим. Бу ерда укам билан бирга эдим. Ҳали келинларнинг қўлидан бир пиёла чой ичмадим. Укам тузук бўлиб қолса, ичармиз чойни ҳам.

– Турмуш ўртоғимни эрталаб операцияга олиб кириб кетишди, жигарни трансплантациясига, қайин акам донорлик қиляпти. Икки ойдан бери шу ерда даволаняпти. Мен у кишига қараяпман, – дейди турмуш ўртоғининг операциядан чиқишини бектоқат бўлиб кутаётган яна бир ўзбек аёли.

Ҳаёт сабоқлари

– Туппа-тузук юргандим, ошқозоним безовта қилиб қолди. Текширтирсам, саратон ташхисини қўйишди. Ўғилларим Ҳиндистонга юборишди. Онаси менга шерик бўлиб келди. Уч ойдан бери шу ердимиз. Яхши бўлиб қолдим. Мана бу қизим ҳам ўзимиздан, бу ҳам шу касал билан оғриган, операция қилиб бўлмайди, дейишган экан, мана етти ойдан бери шу ерда кимё терапия олиб даволаняпти. Аҳволи яхши. Бизнинг кизимиз йўқ эди, шу ерда киз топиб олдик. Биз билан бирга яшаяпти, – дейди тошкентлик отахон.

Куни билан бундай беморларнинг бир нечтаси билан суҳбатлашаман. Энг қизиғи, даволаниш олдиди, саломатлик учун ҳамма нарса, пул ҳам, мавке ҳам ўзи ахамиятини йўқотган. Ўзбекистондан келиб даволанаётганлар бир-бирларини жуда яхши билдилар, бир-бирларига бажонидил ёрдам берадилар, қўллаб-қувватлайдилар. Дори-дармон, муолажалар қимматлик қилса, билган шифокорлари, касалхоналарни бир-бирларига тавсия қилишади. Бир меҳмонхонада туриб, яқинларига қараётганлар, бир-бирларига ош-овқатидан илинишади.

Бу ерга келиб, даволаниш осон эмас, айниқса орган алмаштириш каттагина маблағ талаб этади. Шунга қарамай, касалликка қарши бутун қариндошлар, жон-жигарлар биргаликда курашаётганини кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди. Ва бу илохий риштанинг қудрати беморларнинг соғайиб, оиласи бағрига қайтишида қанчалик аҳамиятга эгаллигини англаб етдим. Бундай ришта бор экан, ҳали бу ҳаётдан умидларимиз катталигига амин бўлдим.

Назира ТОШПҲАТОВА,
журналист

ВАТАНИЙ ИШҚ

(Боши 1-саҳифада)

Йил номидаги иккинчи сўз бирикмаси ҳам биринчиси билан узвий боғлиқ. Қачон халққа эътибор бўлади, қачонки, бизнинг илму таълимда эришган ютуқларимиз сифатли бўлса, яъни, таълим сифатга қурилса, ана шунда натижадорлик ҳақида, самара ҳақида гап бўлади.

Давлатимиз раҳбари республикамиз бўйлаб қайси корхона, қайси ташкилотда бўлмасин, мутасаддилар билан учрашмасин, албатта, учта сўзни такрорлашлари ва талаб этишлари бежиз эмас. Булар – сифат, самара ва натижадорлик. Ҳар бир қилинган ҳаракатнинг натижаси, самараси сифатга боғлиқлиги аён. Демак, Президент ўзи қайта-қайта эътироф этгани каби “Нажот таълимда, нажот билимда, нажот илмда”. Шундай экан, жамиятни, халқни улуғ мақсадлар сари олға бошлашнинг бирдан бир йўли – ёш авлодга берилган таълим-тарбиянинг сифати билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир” дейилади Мурожаатномада.

Президент томонидан кўпгина вазириликларни, ташкилотларни қисқартириш ташаббуси ҳам аслида, сифат ва самарага эътибор қилиш, ишнинг унумини назарда тутиш билан боғлиқ. Бир карра таълим бериш икки карра таълим олиш эканини унутмаслик зарур. Таълим беришнинг ҳам ўзига хос машаққати, роҳати, муҳим усул ва услублари бор. Билиш бошқа, уни етказиш ва унга амал қилиш бошқа. Чунки илму амал бирликда бўлмаса, самара ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ўқитувчи кўп билимга эга бўлса, ахборот технологияларини обдон ўрганган бўлса, хориж сертификатларига эга бўлиб кўп тилларни билса, ҳатто, бўйи баробар китобу илмий мақолалар ёзган бўлса ҳам ҳали бу таълимнинг сифати ва самараси дегани эмас. Бу масаланинг бир томони, холос. Чунки таълимнинг сифатли бўлиши учун жаҳон миқёсидаги соҳавий янгилликлар ва билимларни обдон ўрганиш, ҳамкорлик ришталарини боғлаш, етук мутахассис, малакали ўқитувчилар тажрибасини омалаштириш бадалига бўлиши асосий мақсаддан йироқ эмас.

Тасаввур қилинг, жамоага янги йил муносабати билан ош бериш ниятида таом масаллиқларини келтириш учун бир кишини ёлласак ва асл деҳқон етиштирган маҳсулотлардан келтиришни тайинласак. Барча масаллиқлар – гуруч, пиёз, сабздан тортиб ёғу гўштигача келтирилса, ошпаз уни тайёрлашга киришса, лекин ош хом-хатала бўлиб қолса, хўш, ким айбдор?

Бозорга бориб келганми, етиштирган деҳқонми, ёки сотганми? Албатта, ошпаз айбдор. Демак, унинг ош тайёрлаш компетентлиги, укуви ҳали

етарли эмас. Ошпаз ҳали тажрибаси ва малакасини ошириши керак. Таъбир жоиз бўлса, ошпазни муаллимга қиёс қилсак, келтирилган масаллиқларни ўқув - услубий қўлланма ва дарсликларга ўхшатиш мумкин.

Ўқитувчининг коммуникатив компетентлик даражаси етарли бўлмаса, яъни нутқ маданияти, тил имкониятларидан ўринли ва унумли фойдалана олмаса, бошқача айтганда, нотиклик маҳорати етарли бўлмаса, албатта, сифатли таълим талаби юзага чиқмайди. Ишнинг кўзини билиш деган ибора бу борада бежиз эмас. Иш фаолиятимиз, тажриба ва кузатувларимиздан шу нарса аниқки, ўқитувчилар етарли билимга эга, лекин улар, фан мавзунини, олинган билим, ўзлаштирилган малака, ҳосил қилинган кўникмани ўқувчи ёки талабанинг онгига сингдириш механизмининг - коммуникатив компетентлигини, нутқ маданиятини тўла ва чуқур эгалламаган бўлишади. Натижада бу сифатли таълимнинг самарасига зид бўлган ҳолат сифатида изоҳланади.

Мурожаатномада таълим ҳақида, илмнинг қиймати, олимнинг ўрни, муаллимнинг рутбаси ҳақида эътиборга молик мулоҳазалар билдирилган. Жамиятга эътибор масаласи халқнинг эртаси, сифатли таълим билан боғлиқ деган фикр уқтирилган. Мактабгача таълим, мактаб таълими ўрта-маҳсус ва олий таълим узвий босқичма-босқич тизимли равишда бўлиши, бири-бирини тўлдирадиган, бойитадиган бўлиши кераклиги таъкидланди.

Шу ўринда айтиш керакки, ўн йил давомида ўқиган ўқувчи наҳотки, иккита хорижий тилни билмайди, ваҳоланки, репетиторга борса бир йилда ўрганапти, демак, таълим беришимиз кўнгилдагидек эмас эканлигини уқтирди Президент. Аксарият дарсликлар эски усулда эканлиги, бугунги ўқувчини дунёқарашига мос эмаслигини, жаҳон андозаларига мослаб тайёрланмаганлиги ҳам айтилди. Шунингдек, тилнинг ўрни барча фанларда, соҳаларда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. “Чет тилларни билиш керак, аммо халқ ўз она тилини билишга мажбур, мажбур, мажбур!” – дея қуюнчаклик билан қайта-қайта уқтирдилар. Шу ўринда беихтиёр маърифатпарвар адиб Исҳоқхон Ибратнинг ушбу ўғитлари ёдга келди: “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилларни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”. Айтиш мумкинки, бу ватаний ишгина эмас, балки ватаний ишқдир.

Ўйлаб кўринг, ўқитувчи табиий фанларданми ёки ижтимоий-сиёсий ёхуд гуманитар фанлардан дарс берадими, албатта, тилнинг ифода имкониятларини, нутқ маданиятини тўла



эгаллаши шарт.

Акс ҳолда, фаннинг, мавзунинг моҳияти рўёбга чиқмайди. Физик қонуниятларни ҳам, кимёвий реакцияларни ҳам, геометрик аксиома ва теоремаларни ҳам, математик синус - косинусларни ҳам педагог қайси тилда тушунтиради? Албатта, ўз она тилида - давлат тилида тушунтиради. Демак, унда чалами? Фан ҳам, мавзу ҳам чала бўлади.

Хорижий тилни ўрганишга бўлган меҳр ўз она тилига бўлган муҳаббатдан бошланади, чунки тил муқоёса этиб ўрганилади. Она тили чалами, ўзга тиллар ҳам чала бўлиши аниқ. Демак, нутқ маҳоратига эга, нутқ хусусиятларини билиб нутқ техникасига амал қила оладиган, тили бурро, таллафуз меъёри ҳам тафаккур даражаси ҳам аниқ ва тиник бўлган мурабийларни дарсга жалб этилиши ва уларнинг риторик маҳоратини ошириш таълимнинг сифати ва самарасига бевосита дахлдор масаладир.

Тарихда Россия императори Пётр I шу хусусда маҳсус фармон ҳам чиқаргани маълум. “Нутқий нуқсон бор бўлган муаллим гарчи билимли бўлса ҳам синфга қўйилмасин, чунки болалар тақлидчи бўлишади, унга эргашишади”.

Ҳар икки гапида бир “так”, “значит”, “тойс” деб турадиган ўқитувчининг тинглаган ўқувчини гаши келиши аниқ. Ажаб эмаски, унга “Таков Значит Тойсович” деб лақаб қўйиб юборишса! Нутқнинг аниқлиги тафаккур ва талаффузнинг тиниклигиданлигини асло унутмаслик керак. Қайси соҳада, қайси касбда ишламайлик, қайси фандан дарс бермайлик, аввалломбор ҳаммамиз нутқ маданиятини, нотиклик санъатини яхши эгаллаган бўлишимиз керак. Шундагина ўқувчи бизга эргашади, шундагина у бизни фанимизни севади. Акс ҳолда, унинг бу қулоғидан кириб унисидан чиқиб кетади, бундан эса ҳеч қанақа наф йўқ!

Таълимнинг сифатини таъминлашда нотиклик санъатининг ўрни бўйича яқинда тажриба ўтказиб кўрдик. Ўзининг 32 соатлик ўқув - амалий дастурига эга бўлган “Нотиклик санъати академияси”га 4 нафар ўқитувчини чақиртирдик. Улардан икки нафари лицей, икки нафари коллеж ўқитувчилари эди. Уларга беш дақиқалик видеороликни қўйиб бердик ва диққат билан кўриб-кузатганларини гапириб беришни тайинладик. Биринчи ўқитувчи худди антеннаси йўқ телевизорда бижир-бижир тасвир кўргандек таассурот уйғотиб мужмал гапирди, иккинчиси оқ - қора рангли телевизорда кўргандек фикр берди.

Учинчиси рангли телевизорда кўргандек завқу шавқли таассурот берган бўлса, тўртинчиси эса худди 3 D, 5 D қилиб ташлади. Шунинг учун ҳам Уильям Уорт “Ўртача ўқитувчи баён қилади, яхши ўқитувчи тушунтиради, машхур ўқитувчи намойиш қилади, буюк ўқитувчи эса илҳомлантиради”-деб бежиз айтмаган эди.

Учинчи ва тўртинчи тоифа ўқитувчиларни тайёрламас эканмиз, олдимизга қўйилган мақсадларни, хусусан Учинчи Ренессансга тўла амалга ошириш мушкул. Биз таълим тизимининг барча босқичларида педагогларни лингвистик компетентия бўйича тайёрлашимиз керак, чунки таълим олган таълим бера олганидек, тарбияланганига тарбиялаши мумкин. Ўқитувчининг билими, коммуникатив компетентлиги ва нотиклик санъати таълимнинг натижадорлиги ва самараси масаласи энг муҳим мезон эканлигини қайд этиб вазириликларга бир неча бор хатлар ҳам қилдик. Натижа бўлмаганди. Яқиндагина бу фикр қувватланди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг администрацияси раҳбари томонидан бу масала маълумланди ва ижобий ҳал этилди. Олий таълим вазирилиги тизимида профессор ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича ишларни бошлаб юбордик. Ўқув курсида малакасини ошираётган тингловчилар бунинг нечоғлиқ зарурлигини идрок этмоқдалар. Тўғри, қисқа муддат ичида нотик - педагог бўлиш қийин, унинг учун йиллар керак бўлади. Лекин, ўз устида ишлаш доимий тарзда бўлиши шарт.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўз устида ишлаш авваломбор сўз устида ишлашдан бошланади. Таълимнинг калити – нутқ билан, тарбиянинг калити - хулқ билан эканини англаш муҳим. Нутқий ва хулқий маданиятга эга бўлган инсон комил, авлод баркамол аталиши ўринли. Демак, чинакам нотик-ўқитувчи ўзи ёқимли, сўзи юқумли бўлиши, у шунчаки етказувчи эмас, балки ўтказувчи бўлиши керак. Сўзи билан ёндирувчи, фикри билан қондирувчи нисбати ҳам уларга хосу мос либос. Президентимизнинг инсонга эътиборнинг муҳим мезони сифатли таълим билан боғлиб кетишини ва бу ҳар иккала сўз бирикмаси бир бирини боғлаб тўлдиршини бу эса жамиятни, мамлакатни, халқни ўз мақсадларига етказишини сезмаслик асло мумкин эмас.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
“Нотиклик санъати академияси”
таълим муассасаси раҳбари,
профессор

(Боши 1-саҳифада)

Гап шундаки, Қўшма Штатлар ва Европа иқтисоди кескин секинлашмоқда ва 2023 йилда иқтисодий ўсишнинг тўртдан уч қисми Осиёнинг ривожланаётган иқтисодлари ҳисобидан бўлади, дейди бой давлатлар клуби бўлмиш Иқтисодий ривожланиш ва тараққиёт ташкилоти - ИРТТ (инглизча OECD) иқтисодчилари. Улар сўнгги ярим аср давомида ривожланган мамлакатлар асосий импорт бўлган энергия сарф-харажатлари кескин ошганидан кейин рецессияга тушиб қолганини аниқладилар. Улар орасида ягона истисно пандемия туфайли юзага келган 2020 йилги рецессия эди. Бу сафар рецессия учун барча шароит тахт турибди. Ҳозиргача пасайиш электр энергияси, ёқилги ва иссиқлик учун сарфланган маблағлар ЯИМнинг 13 фоизига етганидан кейин содир бўлган эди. Ўтган 2022 йилда эса бу харажатлар 17 фоиздан ошди. Ҳарб Россиянинг нефть ва кўмирига санкциялар киритди ва Кремль Европа Иттифоқига газ етказиб беришни тўхтатди. Шу билан энергия нархи ошди. Натижада, айнан Европа нафақат техник рецессияни (бу кишда кетма-кет икки чораклик рецессия) бошдан кечириши, балки бутун 2023 йилни манфий кўрсаткичда яқунлаши хавфи бошқаларникидан каттарок, дейди "Financial Times"га жавоб берган аксарият иқтисодчилар.

Дунёдаги етакчи давлат сифатида АҚШнинг ҳолати нефть ва газ бўйича 60 фоиз импортга қарам бўлган Европа Иттифоқиникидан анча яхши. АҚШ ҳукумати ва марказий банки инқироздан омон қолишини айтмоқда. Bloomberg сўраган мутахассислар бунинг эҳтимоллини 70 фоиз деб баҳоламоқда.

Аммо рецессия олдини олиш ва муаммоларнинг аксариятини ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатувчи оптимистик сценарийлар ҳам йўқ эмас. Улардан бири Россиянинг Украинага қарши тажовузкорлигини тўхтатиш билан боғлиқ.

Oxford Economics иқтисодчиларининг фикрича, рецессия юз берган тақдирда ҳам у қисқа муддатли бўлади. Бироқ, 2008 йилдаги сўнгги инқироздан кейин бўлгани каби, бу сафар аввалги ўсиш суръатларига қайтиш осон эмас. Бунинг сабаби шуки, АҚШ ва Европада арзон пул даври тезда қайтмайди ва Хитой ҳали ҳам Ҳарб ўрнини дунёнинг асосий кредитори сифатида эгаллашдан йироқ, деб ёзади улар 2023 йилги прогнозларида: Рецессия юмшоқ бўлади, аммо кейинги тикланиш ҳам умидбахш эмас. 2022 йилда жаҳон иқтисодиёти секинлашининг асосий сабаблари 2023 йилда ҳал қилиниши керак, аммо бу етарли бўлмайди.

Хўш, булар қандай муаммолар? Нега бу галги рецессия оғир бўлади? Дунёнинг асосий муаммоси - инфляция. Россиянинг Украинага ҳужуми энергия ва озиқ-овқат нархларини ошириб, уни янада кучайтирди. Аммо бундан олдин ҳам Ҳарбдаги нархлар сўнгги 40 йил ичида рекорд даражада ўсганди. Асосий сабаб - Ковид. Бир ярим йиллик локдаунлардан сўнг аҳоли ва фирмалар тезда фаоллашди. Талаб рекорд даражада ўсди, аммо товарлар ва хизматлар шунга мос бўлмади, биринчи навбатда, Хи-

той локдаундан чиқмади. Россия операцияси глобаллашув ва жаҳон савдосига путур етказиб, муаммоларни янада кучайтирди. Асосий маҳсулотлар етишмасди: чиплар, машиналар, арзон ишчи кучи, транспорт хизматлари. Нархлар ошди. Бизнес матбуотида «инфляция» 2022 йилнинг энг кўп қўлланган сўзи бўлди. Бунга қарши курашиш учун марказий банклар ставкаларни сўнгги йигирма йил ичида мисли кўрилмаган даражада оширди. Кредитлар нархи ошиши истеъмол, курилиш, инвестициялар ва уй-жой бозорини секинлаштирди.

Британиянинг СЕВР тадқиқот маркази иқтисодчиларининг фикрича, «яхши хабар шундаки, инфляция энди тез тушиши керак. Ёмон хабар шуки, бунинг учун кўплаб мамлакатлар рецессияни бошдан кечириши керак». Нега-



ки, қарийб йигирма йил давомида иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кредит жуда арзон эди. Бу эса истиқболли компанияларга фойдани ҳисобга олмаган ҳолда ривожланишга агрессив сармоя киритишга, истиқболсиз ком-

панияларга эса йўқотишларни қоплашга имкон берарди. Сувтекин кредитлар даври ўтгани ўсиш суръатлари секинлашувига олиб келади, буни ўтган ўн йиллик етакчилари - Amazon, Facebook, Apple ва бошқа юқори технологияли компаниялар аллақачон кўрсатди. Улар харажатларни қисқартириш учун ходимлар сонини камайтиришди ва айрим лойиҳаларини тўхтатишди. Ҳозиргача фақат мавжуд кредит пуллари ҳисобига банкротликдан омон қолган «ўртача» компаниялар учун рецессия яқуний зарба бўлиши мумкин. Иқтисодиётдаги пасайиш уларни даромаднинг бир қисмидан маҳрум қилади ва кредит ставкаларининг ошиши қарзларни қайтариш ва ривожланиш харажатларини оширади. Улар банкрот бўлади, уларнинг эгалари ва ходимлари даромадсиз қолади, банклар омонатчилардан маҳрум бўлади. Банкротлик тўлқини молиявий бозорга янги зарбалар беради, бу худди 2008 йилдаги инқирозга ўхшайди. Ўшанда ишончсиз ипотека кредитлари билан ўйнаган банклар қулаган эди. Эндиги навбат оддий одамлар унчалик тушунмайдиган турли ташкилотларга келди. Суғурта компаниялари ёки пенсия жамғармалари ўз мижозла-

рининг акция ва облигацияларга инвестицияларини суғурталаш учун фойдаланадиган фойз ва валюта своплари зарбага учрайди.

Молиявий инқирознинг илк кўнги-роғи аллақачон янгради ва бир марта эмас. Криптовалюта бозори учдан иккига қисқарди, Amazon ва Meta даража-сидаги гигантларнинг акциялари икки баравар арзонлашди ва кўчмас мулк нархлари ўн йил ичида биринчи марта кўтарилишдан нафақат тўхтади, балки пасаймоқда. Ҳарбдаги мўътадил рецессия ва ундан чиқишнинг сушт бўлиши ҳақидаги прогнозлар ҳаддан ташқари оптимистик бўлиб кўриниши мумкин. Бунда иқтисодчилар асосий учта таҳдидни кўрсатади. Биринчидан, деярли уч йиллик карантиндан сўнг тўсатдан қайта очилган Хитойда Ковид тўлқини кузатилмоқда, унинг оқибатлари қан-

Талаб ва мулк нархи тушади. Курилиш компаниялари ва банклар фойдани йўқотади. Ипотека тўловлари ошиши истеъмолчилар талабини пасайтиради, одамларда харажатлар учун пул камайдди. Охирги ўн йилликлардаги ўсишнинг деярли барча двигателлари сустлашади. Молиявий стимуллаш билан бир вақтда глобаллашув ҳам қисқаради. Жаҳон Савдо Ташкилоти маълумотларига кўра, ўтган йили жаҳон товарлари савдосининг ўсиши 2021 йилга нисбатан 10 фоиздан 3,5 фоизгача пастлаган. 2023 йил учун кутилган 3,5 фоиз ўсиш ўрнига у 1 фоизга қисқариши кутилмоқда.

Шунчаки нохуш прогнозлардан

**ХВЖ:
2023 йил
Оғир йил
Бўлади**

дай бўлиши эса ҳали аниқ эмас. Агар пандемия кўлами баҳоргача пасайса, Хитойнинг энергия ресурсларига талаби ошади ва дунё иқтисоди энергетика инқирози ва инфляциянинг янги кўтарилишига дуч келади. Иккинчидан, Россиянинг Украинага қарши уруши кучайиши галла экспортдаги узилишлар ва озиқ-овқат нархи ошишига уланиб кетади. Учинчидан, ана шу икки сабаб туфайли юзага келадиган инфляциянинг иккинчи тўлқини марказий банкларнинг кредит ставкаларини оширишига тўсқинлик қилади.

Кредитлар қимматлаши иқтисодиёт таназзулини тезлаштиради ва молиявий секторда муаммоларга олиб келади, чунки қарздорлар пулни қайтариши қийинлашиб қолади. Олдинги инқироз ва пандемия билан дунё кредит ёрдамида курашди. Натижада, ХВФ маълумотида кўра, мамлакатлар, компаниялар ва фуқаролар рекорд даражада - 235 триллион доллар қарз олди. Дунёнинг етакчи молия саноти ассоциацияси Халқаро молия институти ҳисоб-китобларига кўра, ҳатто ундан ҳам кўпроқ. Институт маълумотида кўра, хусусий ва давлатлар қарзларининг умумий ҳажми қарийб 300 триллион долларга етган, бу ўн йил аввалгидан учдан бир қисмига кўпдир. Бу инқирозда заиф давлатлар қимматлаб бораётган АҚШ долларидан қарз олган ривожланаётган давлатлардир. Қарзларни қайтаришни қайта молиялаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари ошиши уларнинг тикланишига путур етказиши мумкин, натижада 2023 йилга мўлжалланган барча ўсиш прогнозлари хато бўлиб чиқади, чунки бу прогнозлар Ҳарбнинг турғунлашиши ва ривожланаётган бозорлар жадал суръатда ўсиши ҳақидаги таҳминга асосланади. Ошган ставкалар ривожланган мамлакатлар учун ҳам муаммо келтириб чиқаради. Улар уй-жой бозоридagi инқироз билан юзлашади.

ташқари, апокалиптик сценарийлар ҳам бор. Ушбу тоифадаги прогнозларнинг аксарияти иккита сценарийга тўғри келади: Россия агрессияси кучайиши, жумладан, ядровий уруш ва Хитойнинг Тайванга ҳужуми ва Ҳарб билан тўқнашув. «Хитой ва Ҳарб ўртасидаги иқтисодий уруш оқибатлари Россиянинг Украинага қилган ҳужумидан бир неча баробар жиддийроқ бўлади», деб ёзади Британия СЕВР маркази экспертлари. Бу глобал иқтисодиётда шубҳасиз чуқур таназзулга олиб келади ва янги инқирозни келтириб чиқаради.

Аммо рецессия олдини олиш ва муаммоларнинг аксариятини ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатувчи оптимистик сценарийлар ҳам йўқ эмас. Улардан бири Россиянинг Украинага қарши тажовузкорлигини тўхтатиш билан боғлиқ.

Дунё иқтисодининг ўнлаб йиллар давомида ўсишини таъминлаган интернет ихтироси билан тенглашадиган бирор технологик янгилик бўлиши имкониятлари ҳам пастроқ. Ковид масофавий ишлашга ва денгиз савдосида расмийликларни рақамлаштиришга туртки берди, газ инқирози эса энергияни тежашга туртки бўлди. Аммо ҳақиқий ютуқлар олдинда. Сунъий интеллект ва квант компьютерлари маҳсулдорликни кескин ошириш потенциалига эга ва янги энергия, масалан, термомодровий энергия янги иш ўринларини кўпайтириши, одамлар, фирмалар ва умуман сайёра учун харажатларни камайитириши мумкин. Бу эса 2023 йилда содир бўлиши дарғумон. Мўъжизага умид қилмасдан, ҳукуматлар инқирозни синовдан ўтган йўллар билан ҳал қилишлари керак, деб маслаҳат беради иқтисодчилар. Агар соғлом сиёсат юритилса, муваффақиятга эришиш имконияти албатта ортади.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
шарҳловчи.**

“АГАР ҲАЁ ҚИЛМАСАНГ, ХОҲЛАГАН НАРСАНГНИ ҚИЛ”

(Боши 1-саҳифада)

Опам бирданига жиддийлашди, кўзларида қайғу аломатлари акс эта бошлади:

– Сен ўйлайсанки, мен буларни ўз ихтиёрим билан қиляпман? Қудам Умрага кетишдан аввал қизимга бир неча бор кўшнисининг қудаси Умрадан қайтганда олиб келган нарсаларини писанда қилган:

– Мана биз ҳам кетаяпмиз, онангизга тайинланг, бизни кўшнилари олдидан хижолат қилиб қўймасинлар, хўпми қизим, деб тайинлаган.

Энди пул кетса ҳам қизимиз тинч ўтирса бўлди, деб поччанг икковимиз урушиб-талашиб шуларни қилдик-да.

Опамнинг ҳолатларини кўриб ўтган йили турмушга берган қизимга ҳайитлик тоғорасини жўнатганимдаги воқеа эсимга тушди:

«Эй Роббим, ишқилиб қудам Умрага борма турсин, ҳеч бўлмаганда ўғлим катта бўлиб пул топадиган бўлганда борсин».

«Риё қилмасликка ваъда қилинг»

Умра зиёратидан қайтган айримлар хайрли ишларда ибрат бўлиш ўрнига, кутиб олишдаги исрофларга яқинда Муфтий Нуриддин Холикназаров муносабат билдираркан шундай деди:

«Мухтарам Умранинг ниятида юрган хожи она, хожи оналаримиз... Агар Аллоҳ таоло мени Каъбатуллоҳ тавофига мушарраф қилса, ёки Пайғамбаримиз Мухаммад С.А.В. равзаларига бориб намоз ўқишни, ул зотнинг қабрларига қараб саловат-у саломлар айтиш бахтини берса, ушбу ибодатдан қайтиб келганимдан кейин ҳеч қандай риё қилмасликка, исроф қилмасликка, балки ҳеч бўлмаганда икки камбағал оилага қўлдан келганча яхшилик қилишга Аллоҳ насиб қилсин, деб ваъда қилинг».

Агар йилда 70 минг нафар одам Умрага бораяпти десак, ҳозирга қадар 40 мингга яқини борди. Агар ҳар бир 40 минг киши иккигадан камбағал оиланинг бошини силаса, 80 мингта оиланинг хонадонига бахт кириб боради.

Сиз ўзи Умрадан келгандаги тадбир-у маросим, исрофгарчилик, риё, хўжақўрсин маросимга кетадиган харажатни иккита камбағал оила боласининг мактаби учун, таълими учун берсангиз эди. Ёки боласини даволатиш учун, ота-онасини даволатиш учун дори излаётган одамга берсангиз эди. Бугун топгани ошга, нонга етиб, зўрға яшаётган азизларнинг хонадонига ўша хурсандчиликни киргазганингизда эди, унинг савоби бу дабдабозликдан чандон-чандон кўп бўлар эди».

Бидъат... шунча бўлурму хай-хай

Инсон фантазиясининг чек-чегараси йўқ. Бугун фантастик хаёл-орзуларнинг чексизлиги боис инсоният ҳатто коинотни забт этиш оstonасида турибди. Аммо яна афсус надоматлар бўлсинки ҳамюртларимиз бугун турли-туман бидъатларни ўйлаб топиш бўйича чегарасиз фантазияга берилмоқда. Холис Аллоҳ учун қилинадиган амалларда

ёхуд зиёратни шоуга айлантираётганлар...

исрофгарчилик, ортиқча дабдаба, яна-ям ачинарлиси, турли бадъатлар урчигандан урчимокда. Бу ҳолатларни кўриб шунчаки ачинмайсан, балки йиғлагинг келади. Мана куни кеча ижтимоий тармоқларда Умра зиёратини адо этиб келган аёлни кутиб олишда унинг қадами остига шолчалар, кийимлар тўшалгани, ёш болани зиёратчининг оёғи остига бостирилиши акс этган видеолар турли муҳокамаларга сабаб бўлди.

Ҳолатга Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурдаги Фатво маркази муносабат билдирди: «Ҳақиқатан, Умра ибодатига бориб келаётган айрим зиёратчилар ва уларнинг яқинлари билган ёки билмаган ҳолда риёкорликка йўл қўйиши кузатилмоқда. Баъзи ҳолларда Умра сафаридан келганларни дабдаба-ю асъаса ила кутиб олиш, кўча бошидан поёндозлар солиш ҳолати кўпаймоқда. Бу кабилар динимизга мутлақо зид бўлиб, ундай ишларни қилаётганлар ўта жоҳил ва нодон кишилардир. Эҳтимол, бу ишлари билан улар ўзларининг Аллоҳнинг байтига бўлган эҳтиромларини ёки уни тавоф қилиб келган кишига нисбатан хурматларини ифодаламақчидирлар. Лекин, ибодатга хурмат-эҳтиром бу тарзда намоён қилинмайди. Аксинча, бу риёкорлик ва оғир гуноҳ». Шу топда ўйланасан, наҳотки мана шу амалларни бажараётган инсонлар Қуръонни ўқимаган, диндан илми йўқ. Бир бет Қуръон ўқимаган бўлса нега боради? Унинг шу амални бажаришга маънавий ҳаққи борми? Агар Қуръонни ўқиган бўлса Аллоҳ таоло Қуръони каримда қаттиқ ва қатъий (!) қоралаган: «Енгллар, ичингллар, аммо исроф қилмангллар. Зеро, У исроф қилгувчиларни севмас», дея қилган марҳаматининг нега маъзани чақмайди! (Аъроф сураси 31-оят).

Туғруқхонадан то қабргача дабдаба

«Бешиқдан то қабргача илм изла», деган ҳикматни одамларимиз унутганига анча бўлган шекилли. Эътибор берсангиз чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқишдан бошлаймиз дабдабани... Бугун болаларини туғруқхонадан ҳеч қандай дабдабасиз олиб чиққан санокли одамларнинг фарзандлари хорижда таҳсил олмақда, кашфиётлар қилмоқда. Чунки унинг ота-онаси инвестицияни кераксиз дабдабага эмас, болаларининг ўқиши, илм олишига киритган.

Бугун қони кам келинига новвот олиб бериш ўрнига чақалоқни туғруқхонадан дабдаба билан олиб чиққан ота-оналар ҳажга бориб келиб, дабдабани, шоуни Ҳаж маросимига боғлаб давом эттирмоқда. Унинг неваралари учун, репетицияга, китобига, илм олишига пул йўқ. Инвестиция хўжа кўрсинликка, тўйларга маъракаларга тикилмоқда. Алал-оқибат эрта, илм олмай узатилган қизлар, камқон келинлар аламзада, хунар ўрган-

маган йигитлар четда қора ишчи – оилалар пароканда. Хўш, биз қачондан бери дабдабага ўч, хўжақўрсинга, кимўзарга мойил, исрофга муккасидан кетадиган бўлиб қолдик, деган саволни кўп эшитамиз. Аччиқ ҳақиқат шу: биз юз йил олдин ҳам шундай бўлганмиз...

Жигардан риёкорлик устунми?

Яқинда бир қиз жигар циррози бўлганини, на донор, на маблағ тополмаётганини ёзди. Одамлар озми-кўпми маблағ йиғишди. Аммо маблағ етмади шекилли у аёлнинг ҳалиям соғлиғи билан боғлиқ муаммоси бартараф бўлгани йўқ. Ҳар сафар уколлар қийнаётганини, тезроқ операция ўтказилиб жони ором олишини истайди. Аммо яқинда бир пост қўйди: Онасини ака-укалари йиғилиб Умрага жўнатишаётган экан... Очиғи, ака-укаларга ва онага хайрон қолдим. Наҳот жон-жигарининг соғлиғидан ҳам кўра Умрага ташриф муҳим бўлса. Пайғамбар алайҳиссалом: «Агар ҳаё қилмасанг, хоҳлаган нарсангни қил», деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Амали хабатага айланганлар

Бир инсон ижтимоий тармоқлар орқали «Зикр аҳлидан сўранг» хайъатига шундай савол билан мурожаат қилди: – Ассалому алайкум! Сўнгги пайтларда Ҳаж амалини бажариб қайтган хожиларимизни кутиб олиш учун йиғинлар анча дабдабали тус олмақда. Видеочи, фотоаппаратчи, оформлениа, 150-200 кишилик йиғин, ҳаммага совға-салом тарқатиш ва хоказолар. Бу каби харажатлар тўғрими? Аслида Ҳаж амалини қилиб қайтгач, нималар қилиш керак? Жавоб учун олдиндан раҳмат.

– Валлайкум ассалом! Ашраф Алий Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳ айтди: «Ҳаждан келган бир кишининг зиёратига кирдик. Шунда у хизматчисига: «Аввалги сафар олиб келган зам-замдан олиб чик» деди. Аслида аввалги, кейинги келган зам-замнинг таъмида ҳеч қандай фарқи бўлмайди. У киши бу гаплари билан мен икки марта Ҳажга борганман, деб фахрланмоқчи бўлди. Бечора бундай гаплар билан амали хабата бўлишини билганида эди» деганлар. Шайх Саъдий Шейрозий: «Бир кун карвонсаройда қолдик. Отам билан

мен кечаси билан намоз ўқиб чиқдик. Ҳамроҳларимиз эса субҳгача ухладилар. Шунда мен: «Уларни ҳам туни ўтди, бизнинг ҳам тунимиз ўтди. Биз ибодат қилдик, улар қилмади» деган эдим отам: «Ҳай болам-а, улар ухлаб роҳат олишди, сен эса уйқудан ҳам қолдинг, ибодатнинг савобидан ҳам махрум бўлдинг» дедилар. Ҳаким Ахтар раҳматуллоҳи алайҳ: «Ибодат бугдой экинига ўхшайди, уни экиб, йиғиб, териб олиш бир машаққат бўлса, сичқон-каламүшга едирмай саклаб олиш ҳам бир машаққат. Яъни инсон бир ибодатни қилиш учун вақт сарфлайди, харажат қилади, меҳнат қилади, уни адо қилгач савобини саклаб қолиш ҳам бир машаққатдир. Риё, хўжақўрсин, хўжа эшитсин, миннат қилиш, у ибодатни қилолмаганларни ҳақир санаш ва хоказолар ибодатнинг савобини хабата қилиб юборади» деганлар.

Умра сафарини амалга оширганларнинг барчаси мўминми?

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф ҳазратларининг «Мўминнинг Умра сафари» китобини варақлаймиз: «Ҳаж сафарига отланган киши яна нималарга эътибор бериши керак? Аввало, аҳли аёли ва яқин кишиларини тақвога буюрсин. Яъни, Аллоҳнинг амрларига бўйсуниб, қайтарганларидан қайтишга чорласин. Қилаётган Ҳаж ибодатидан Аллоҳнинг розилигини ва охиратининг ободлигини кўзласин. Дунё ва унинг зийнатларини, риёкорлик, ном чиқариш, фахрланиш каби нарсаларни зинҳор ҳаёлига келтирмасин. Акс ҳолда барча қилган саъй-харажатлари беҳуда кетади»...

Яна ижтимоий тармоқларга юзланамиз: Мана яна бир ота ўғлининг тирикчилиги бўлган, қира қиладиган машинасини сотиб зиёратга отланибди, ўша постга ёзилган изоҳларда айтилишича келин, ўғил, невараларнинг ризки қийилиб зиёратдан қайтиб келиши учун қилинадиган «тўйча» учун харажатни ҳам омборга қулфлаб кетаётган эмиш. Яна кўзимиз тушади: бир хожи ота уйига ясалган туяда кириб келаяпти, яна давом этамиз: кип-қизил тўшалган поёндоз, лойга тўшалган янги гилам, ҳар ёнга осилган зиёратчининг суратлари, ҳар куни алмаштирилган хожи онанинг оқ пайпоғини кўзига суртиб, табаррук билиб фахр билан қияётган оломон...

Буларнинг чегараси борми, олимлар кеча-кундуз дунёни яхшилаш, экологик хавфни камайтириш, ҳайвонот ва наботот оламини қутқариш, иктисодий инкирознинг олдини олиш учун ухламай тонг оттираётган, инсоният ҳаётини енгиллатиш учун қайғураётган бир пайтда нега бизда турли дабдабаю асъасага ўчлик кучайиб кетаяпти?

Хўш, шу риёкорликлардан, бидъатдан, мактанчоқлик, дабдабозликдан кейин зиёратчилар ўзларини мўмин дейишга маънан ҳақлими???

Барно СУЛТОНОВА

Бугун техника асрида яшаймиз. Тараққиёт. Ахборот. Ҳаётимиз ахборот оламидан иборат. Буни ўргимчак тўрига қиёсласа бўлади. Ҳамма ўз манфаати йўлида фойдаланяпти. Кимдир зиё, маърифат улашса, олса, яна кимдир бузгунчи гоюлар билан банд. Бу ахборот оламида инсон ўзлигини йўқотиб қўйиши ҳеч гапмас. Бундай салбий оқибатлардан фақатгина тафаккургина қутқара олади?

Бугун ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Ҳаммамиз шунга беип боғландик. Лекин ахборий маданиятимиз қандай? Бунга тайёрмизми? Бир нима дейиш кийин.

Интернетда шов-шувли воқеалар жуда тез тарқалади. Билиб-билмай,

тикага қизиқишимиз шу даражада кучли, дея ажабланиб қолдим. Майли, бу бошқа масала. Аслида, илмимиз ҳаминқадарлиги учун ҳам каттароқ ишлар билан шуғулланмай, тош отаётганимиз ёддан кўтарилибди. Кўпчилик бу гапни муҳокамасига берилиб кетди. Аслида, Шерзодхон

ли одамга зигирча таъсир қилмайди. Шерзодхон Қудратхўжа фаолиятини кўпдан бери кузатиб, шуни айта оламанки, у йўлида давом этаверади... У тўғри йўлда.

Яқинда бу воқеаларни ҳам унутамиз. Кейин янги шов-шув чиқади. Таниқлироқ шахс бўлса-ку, муҳокамаларимиз мойлигина бўлади. Ғийбатни ғийбат бўлганига уялтириб ташлаймиз. Уни муҳокама қиламиз, масхаралаймиз. Энг ўйлантирадиган жойи шу ер. Қачонгача фактани аниқламасдан, моҳиятни тўлиқ мазмунини тушунмай, валақлайверамиз. Жиддий масала шу ерда. Бугун ахборот хуружлари, урушлари

суматлар бугун оммавий сахналарга олиб чиқилаётир ва бу жуда ёмон. Мард одамлар одатда адоватини юзма-юз ҳал қилади. Бугун бир миллатни бир-бирига қарши қилиб гиж-гижламайди...

Мен катта эҳтимол билан ижтимоий тармоқларни катта пул эвазига ўз манфаати учун бўйсундиришга ҳаракат қилаётган яширин кучлар борлигига ишонгим келади. Бу битта Шерзодхон Қудратхўжа эмас, бошқа таъсирли овозлар мисолида ҳам содир бўлди ва бўлаётир.

Нималарнингдир тагига беркиниб бундай ишларни қилаётган одамлар эса ўзининг нафси деб бу-



ИЛЛАТ ИЗЛАГАНГА — ИЛЛАТДИР ДУНЁ

ўралашиб қолганимизни сезмай ҳам қоламиз. Таниқли шахслар, бирор нима деб қўйган бўлса-ку... у ёғини кўраверасиз. Факт аниқ бўлса-ку, майлига, аммо... Интернет сайтлари шов-шувли сарлавҳалар билан аудиторияни ўзига жалб қилади.

Ижтимоий тармоқларни кузатиб туриб, баъзи хабарларни аниқламасдан, фактани охиригача текширмасдан урхо-урчиликка берилиб, бир инсонни ёмонотлик қилишимиз ҳеч гапмас. Ичимизда маддалаб ётган аламларни ўша инсонни ёмонлаб чиқариб оламиз. Ва кейин ўша шов-шувли гапни охиригача суриштирса гап муаллифи умуман бошқа маънода гапирган бўлади. Ижтимоий тармоқлар эса икки оғиз ўша ёнган жумлани беришади, уларни вазифаси қизиқтириш. Лекин мақолани синчиклаб ўқиса умуман бошқа маъно келиб чиқади. Тармоқ «фаоли», «аналитик» эса мақолани очиб ҳам кўрмай хужумга ўтиб, бор нафратини чиқариб олади. Гапирган гапинг нима ҳам бўларди биродар.

Яқинда ана шундай шов-шувлардан бири таниқли журналист, ЎзЖОКУ ректори, профессор Шерзодхон Қудратхўжа атрофида айланди. Ва ҳозир ҳам давом этапти, менимча. Кўрсатувда гапирган гапидан парча олинган ва ижтимоий тармоққа тарқалган. Баъзи бир телеграм каналлари шу кесиб олинган гапни ҳар хил йўсинда ўз кузатувчиларига тақдим этишди. Нима эмиш, Шерзодхон ака мактаблардан физика ва математика фанларини олиб ташлайлик, деганмиш. Аслида, кесиб олинган гапда ҳам ортиқча сўз йўқ. Лекин тошбўронга қолди. Кузатиб туриб, нахотки физика-матема-

Кудратхўжанинг гапининг маъноси бошқа ва таклифи ўринли. Видеони тўлиқ кўрдим. Энг алам қиладигани, урхо-ур қилиб, лой чаплаётганлар, видеони тўлиқ кўришмаган, менимча ўша кесилган жойни ҳам тушуниб кўришмаган. Бу кетиш бўлса, тушунимайдям.

Кейин Шерзодхон Қудратхўжа нима демоқчилигини тўлиқ тушунтирган видео ҳам тарқалди. Яна не-

бўлаётган бир даврда – қурбон бўлиб қолмасмиканмиз? Кимлардир қўғирчоққа айлантимасмикан? Мана шу бош қотирадиган масала. Телеграм каналлардан бири – platforma.uz юқоридаги воқеага жуда ўйлантирадиган «Оломончилик тафаккури» сарлавҳали пост қолдирди. Шуни тўлиқ келтиришни жоиз деб топдим:

«Оломончилик психологиямизни Шерзодхон Қудратхўжа атрофидаги шов-шувларда яна бир кўрсатдик. Четдан туриб кимдир «у қора» деди

тун жамиятнинг тафаккурини заҳарлаётганини, бузгунчилик қилаётганини тушунса яхши бўларди. Бизни билмайди, деб ўйлаш ниҳоятда калтабинлик бўлади бугун.»

platforma.uzда илгари сурилган гою бугунги кунимиз учун жуда муҳим ва долзарб. Буни тушунишга ҳаракат қилишимиз муҳим. Керак бўлса сув ва ҳаводек. Ҳаммамиз ана шу «Оломончилик тафаккури»дан эҳтиёт бўлишимиз керак. Мен унақа эмасман дейсизми? Йўқ, сиз ҳам муҳокамаларда фактани аниқламай аралашаётган бўлсангиз, адашяпсиз, шунақароқсиз. Лекин келинг, чинакамига бу иллатни иргитиб ташлайлик. Тўғри, фикримиз ўринли, жўяли, фойдали бўлса, кимнидир камситиш, мазах қилиш, ва ҳоказолардан... йироқ бўлса, у бошқа гап. Лекин, ўзимиз билмаган ҳолда оломончилик қилиб қўйсақ, бу ёмон... Жуда жиддий оқибатларни юзага келтириши мумкин. Энг даҳшатлиси шу.

Ахборий оқиму хужумларга доимо иммунитет ҳосил қилган ҳолда туришимиз лозим. Иммунитет эса ақл билан, ўй, мушоҳада билан бўлади. Менимча, одам ўйлаётган пайтда энергия сарфлайди. Ана шу энергиямизни фойдалироқ ишларга сарфлайлик.

Тафаккур, фикр чегараларимизни мустаҳкам ва бардош билан химоя қилайлик.

Бекорга бузгунчи гоюлар таъсирга тушаётганлар ҳақида тез-тез эшитмаяпмиз. Бундай тақдирларнинг аччиқ қисмати ҳар биримизнинг кўзимизни очиши керак. Ҳаётга ибрат билан боқайлик. Зеро, ибрат излаганга – ибратдир дунё, иллат излаганга – иллатдир дунё.

Зикрилла МАМАТОВ

« Ажабланарлиси шуки, зиёли қатлам ҳам тушунар-тушунмас ректорга тош отди. Жиллақурса аралашма, биродар. Нахотки, шу даражада муҳокама қилинадиган гап бўлса? Ахир, қайси жамиятда яшаймиз. Сўз эркинлиги деб бонг урилаётган бир замонда, бир фикрни тошбўрон қилсак, бунақада қанақа сўз эркинлиги бўлиши мумкин. »

гатив фикрлар. Негатив, негатив, негатив. Гўё ўзимиз хато қилмаймиз... Биздан ақлли одам йўқ. Э, барака топкур, аввал ўзингга бок, кейин ноғора қоқ, деган гаплар бўларди.

Ажабланарлиси шуки, зиёли қатлам ҳам тушунар-тушунмас ректорга тош отди. Жиллақурса аралашма, биродар. Нахотки, шу даражада муҳокама қилинадиган гап бўлса? Ахир, қайси жамиятда яшаймиз. Сўз эркинлиги деб бонг урилаётган бир замонда, бир фикрни тошбўрон қилсак, бунақада қанақа сўз эркинлиги бўлиши мумкин. Бекор хайфга учяпмиз-да! Майли. Бу тошлар куч-

ва барчамиз бобобоп шу тўлқинга қўшилиб кетдик.

Мулоҳаза йўқ, масаланинг аслини ўрганиш, у нима демоқчилигини билишга иштиёқ йўқ, бирдан асабий тортилган спектрга шўнғиб кетдик. Менга Шерзодхон ҳеч ким эмас, уни оқламоқчи ҳам эмасман. Зотан, у бунга мажбур ҳам эмас.

Мени қизиқтирадигани ва ташвишлантираётгани оломончилик тафаккури. Биз бу маданиятимиз билан, ахлоқимиз билан исталган исқирт кўлнинг қўғирчоғига айланишимиз мумкин экан.

Жамиятда фитналар, шахсий ху-

ТИЛИМИЗНИНГ ТИЛЛА САНДИФИ

Кўчаларни сайр этар эканман, беихтиёр деворларга осилган - ажнабий сўзларга тўла, пештахталарга кўзим тушади. Бу ерда ўзбек тилида сўзлашувчи, саводли инсон топилмасмикан, дейман ўзимга-ўзим. Аксарият хусусий ташилотларнинг зайриодатий номланиши кўпчиликни ҳайратга солиб қўяди.

Ён атрофга назар ташлайман. Мижозларига беминнат хизмат кўрсатаётган тамадхоналарни номлашда инглиз ва рус тилидаги ибораларга мувожаат қилинган. Камига унинг ёзилишида ҳам хатоликлар бор. Баъзи ундош товушлар тушириб қолдирилган. Имловий хатоларга кўп йўл қўйилган. Эҳтимол, у ерда тилшуносликдан беҳабар инсонлар фаолият юритишаётгандир. Лекин, бу оқлаб бўлмас ҳолат экани барчага аён!

Аслида она тили фанини нима учун ўрганиш керак? Ўзлимизни англаш учунми ёки фақатгина кириш

имтиҳонларига тайёрланиш мақсади биланми? Назаримда, ҳаётнинг ҳар жабҳасида тўлдириб бўлмас ўринга эга ушбу фанни барча ўқиши ва ўқиши кундалик зарурат тусига кириши лозим. Зеро, юзаки таълим олиш ортидан, олган билимларини амалиётда кенг қўллашда муаммоларга дуч келатганлар қанча?

Бугун ижро ҳужжатларида беҳато ёзилган сўзни топиш қийин бўлиб қолди. Бўғиз ундоши ва тил орқа ундоши ўртасидаги фарқни деярли кўпчилик англаёлмаяпти. Дарсликларни шунчаки варақлаб ўтириш эмас, ундаги зарур

билим ва кўникмаларини пухта ўрганиш керак. Бир сўз билан барчани саводсизликда айблашдан йироқдан.

Босма нашрлардаги мусахҳиқлик лавозимининг қискартирилиши оқибатида, газеталарда имловий ғализликлар кўзга ташланиб қоляпти. Хусусий тадбиркорлик субъектларнинг мақомини белгилашда, ўзбекча иборалардан фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Тилимизнинг тилла сандифи - сўз ва ибораларга бой. Муҳими, унинг калитини топсак бўлгани.

Бу кичик хулосалар Яйпан шаҳрини кузатишим давомида юзага келди. Муҳими, замон билан бўйлашаман деб, тилимизга доғ тушириб қўймайлик!

Улуғбек ШАРОБИДДИНОВ.
"ЮКСАЛИШ" умуммиллий
ҳаракати аъзоси

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Табиат ресурслари
вазирлиги.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон

Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташилотлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-110
Адади: 1012.
Пайшанба кун чикади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига "Шарқ" нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
71-233-72-77,
71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@shmail.uz
Газета индекси — 131
"ЖАМИЯТ" дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6



“ДОР”ИДАН ОМОН ЧИҚИБ БЎЛМАЙДИ

Дорилардан қурбон бўлиш Ўзбекистонда аллақачонлардан бошланган. Бизда шу қадар дори уялар кўпки, мамлакат катта «аптека» бозорини эслатади. Касаллар ва таблеткалар давлати. Дориланиш эраси! Ўзиники ўзини касал қилади, ўзиники ўзини қурбон этади ва сўнг бир уюм тупроққа осма улаб даволайди.

Совет даврининг адоксиз пахтазорларида оталаримиз, оналаримиз улғайди, улар устидан дорилар сочилганини биласиз! Аммо шунда ҳам халқ бунчалар касалсевар (ўлик сифат) бўлиб қолмаганди. Ҳа, устидан сочилган оғудан паналаш мумкин, аммо онга қуйилган “дор”идан омон чиқиб бўлмайди.

Дори савдоси ва унинг ортидаги катта кучлар таъсирида халқ «аптека» боткоғига ботирилди. Бир пайтлар дунёнинг чорак қисмини фатҳ этган Улуғ Темур болалари касалвон бўлиб қолди. Одамлар уйда касал бўлмаса-да, иккита нонга қўшиб қандайдир дори, масалан, парацетамол ёки синепар олиб кириш одатга айланди. Реклама компаниялари кун бўйи меҳнат қилиб толиққан ўзбекларнинг дам олишга ажратган санокли дақиқаларини ҳам мутлақ эгаллаб олди. Телекомпаниялар қорадоридан бошқа ҳаммасини «оқ дори» деб эълон қилди ва оқ йўл берди. Бунини шараф (сизлик) билан ўз халқига шундай тарғиб қилдики, натижада дори ичмаган одам ўзини ўликдай, жонсиз қолаётгандай ҳис қила бошлади. Қандачадан-қанча болалар етим, оналар боласиз қолди, шарафсизлар эса бойиди!

“Док-1 Макс” шарафсизлик даво-

ми бўлди. Уларнинг даҳшатли юзини бироз бўлса-да, халққа кўрсатди. Одамлар жондан азиз боласи дардига даво бўлсин, деб уни харид қилганди. Халқнинг шифокорга бормай тўғридан-тўғри дорихонага бориши саводсизлигидан эмас, йўқсиллигидан, тиббий хизмат яхши йўлга қўйилмаганидан.

“Оқ дори” юртимиз чегараларидан омон-эсон долларлар билан елкама-елка ўтар экан, норасида, беайб болалар қурбон берилди ва бу миллий шарафсизлик оқибати, деб биламан. Ўз касбини билмайдиган ва умуман юмушига масъулиятсизлик билан қарайдиган одамлар бошқа жойларда биздагидай кўп бўлмаса керак. Инсон ҳақ-ҳуқуқлар шарафсизлик билан тўсиларкан, у бойликка алмашиларкан, ундай жамиятда инсон жони қакага ҳисобланади.

Отамга тинмай дори олардим, аммо соғлиғи ўзгармасди, кўзлари кулмас, ранги ўзгармасди. Докторлар турли шифо воситаларини ёзгани ёзган, мен доричилар остонасига қатнайвериш улар билан қирқ йиллик биродардек бўлиб қолгандим. Отам ҳам бир куни тунда “уф” тортиб: “Ичим дорихона бўлиб кетди”, деди. Аслида, бутун Ўзбекистон дорихона бўлганини бил-

масди. Биз шу улкан дорихонанинг ичида эдик, холос! “Шу уколни олин-лар тузалади,” дерди кал, кўзлари кўк доктор. Пишак кўз, деб эслаб қолганман. У шунчаки шарафсизларнинг бир бўлаги, уятсизликдан унган дарахтнинг бир барги, бир зирапчаси эди, холос! Унинг айби билан касал ўлган кун ҳам у бемалол хотини билан кўнгилхушлик қила оларди ва ўша кун олган чой-чақаларни аёлининг тундай қора сочлари орасига чиялаштириб ленталар ясаб ҳазиллашарди.


Мен отам кўп яшайди деб ўйлардим... Аммо тана дориларни қабул қилмай қолди. У “бас” деди, “бўлди” деди! Бу улкан дорихонадан чиқиб кетишнинг йўли битта эди...

Бир кун уйга борсам, отамнинг дорилари яшил халтачада ҳалиям турган экан. Кўзимга кулча бўлиб пусиб ётган илондай кўриниб кетди. Кейин отам тортган азоблар ва ўша пишак кўз доктор... Мен дориларни эзгилардим, шишалари қўлимни кесди, “оҳ-оҳ” ичимдаги йиллик занглар кўчарди — чил-чил синдирдим — синдим. Мен бу дориларни энам нега уйда асраб қўйганини кейин тушундим. Ўзбекчилик! Даҳшатли йўқсиллик яратган одат! Мен бундай “ўзбекчилик”дан нафратланаман. Мен бундай шарафсизликдан нафратланаман. Мен бойлик топиш учун қонунларни ва ўз миллати тақдирини пуллаётган ва уни ботқоққа ботираётган ҳар касдан нафратланаман.

Жавлон ЖОВЛИЕВ



“Тегманглар, Ойбек чарчаган!..”



“Ойбегим менинг” — Ойбек ҳақида рафиқаси Зарифа Саидносирова ёзган ҳаётий ҳикоя. Асарда қизалоқ Зарифа Туркистоннинг зигир ёғ ифорли кўчалари, Ҳамзанинг паноҳ сўраб тақиллатган эшиклари, жаҳидлар қақшаган давр сурони-ю, Ойбек ва Зарифанинг севги тарихи, ошиқ Ойбекнинг мактублари. Ғурур берадигани, диванда мизгиган Ойбекни уйғотишдан қайтариб “Тегманглар, Ойбек чарчаган. Бир зум дам олсин!” - деган инсон хитоби.

У инсон ким? У машҳур “Мени кутгил” шеъри муаллифи, кимсан Константин Симонов.

Китобни варақлаймиз. Кичкина Зарифа ошхонадаги махсус ёғоч сандикқа ташланадиган яроқсиз мой, жиззадан совун олиш сири мой қиздирилиши-ю саксовул куни қайнатилиб тайёр ишқорли сув мойга ишқор кўшилиб пишган совунни тасвирляпти.

Кичкина Зарифа 1917 йил ёзида қочиб юрган дарбадар Ҳамза паноҳ топган, Мунаввар қори, Убайдуллаҳужа, Чўлпонлар меҳмон бўлган Зарифалар хонадони-ю, ўша уйда хуфия яшаб ҳам Зарифаларга мусикадан репитетиторлик қилаётган мусикашунос Ҳамза, Ҳанифа билан севги сири фош бўлгач уйган кетган ошиқ Ҳамзани кашф этапти.

Кичкина расом Зарифанинг Навоий ва Фузулий расмидан Ойбек, 1925 йилда Аҳмад Яссавий макбара расмини солганда тоғаси Мирзараҳимнинг лол қолишида Зарифанинг устози буюк мусаввир Репиннинг меҳнатини эслапти.

Улғайган Зарифанинг Ойбек илк шеърий тўплами “Туйғулар” китобини берибоқ “Менга турмушга чиқасанми?”, деган таклифи-ю, ҳар сафар Зарифанинг “Уят бўлади, ҳали ёшманку!”, Ойбекнинг “Мангу хайр, абадий хайр” ошиқлар жанжали сабаб қиммат зирагини йўқотганидан хабар берапти.

Улғайган Зарифа ҳар сафар Ойбек билан учрашганда уни сўроқ қиладиган “Бемалол ўтиришингни қара. Эҳтиёт бўл, ўғил бола бўри, қиз бола кўзичоқ. Ёш қизсан. Эҳтиёт бўл, бизни уялтириб қўйма!”, деган виждон саволларидан огоҳ этапти.

Дардкаш Зарифа 1927-28 йилларда Ленинград ўқишида Ойбек сил орттиргани, йўқчиликдан қуруқ нон ва шўр бодринг еб кун кечирганидан ўқиняпти.

Ҳомиладор Зарифа 8 ойлик юк билан ГПУ ертўласида ётган отаси Саидносирдан дийдор умидида кўчада тургани-ю, дўстларини сотмаган отасини жаҳидчи Ботуга кўшиб Саловкага жўнатганидан азобланыпти.

Муштоқ Зарифа сафардан қайтган Ойбек чақалоқ Омонни пешонасидан ўпиб-ўпиб аста унинг кўрпасига суқилганини аста қизариб шивирляпти.

Гушна Зарифа оиласи очликдан қийналганда ўз боғида асал боқадиган боғбон, ҳақгўй Қодирий Ёзувчилар уюшмаси тарқатган ўз улуши асални Ойбек хонадонига топширганидан кўзига ёш оляпти.

Олима Зарифа ўзбек тилида лотин ёзувида илк кимё китоби “Анорганик кимё”ни ёзгани-ю, дарсликка жаҳидчи Элбек муҳаррир бўлганидан фахрляпти.

Дийдорга зор Зарифа 1937 йил 32 ёшида Пушкиннинг 100 йиллик юбилейига кетган Ойбекнинг “Зарифа эртага биргалашиб соат қидирамиз. Олтин соат қиммат. Бугун Усмон Носир олтин соатни 1400 сўмга олибди. Цепочка 100 сўм экан” – деган хатини энтиқиб ўқияпти.

Зукко Зарифа “Қутлуғ кон”даги Унсин образи Ойбекнинг чечан, шўх Унсин тўти қариндоши экани, унинг ўлиб қайта тирилиш тарихи-ю, Унсин чечанинг ўлгандан сўнг унинг олдида бир чол келиб салобатли, оппоқ соқолли чол ёнига олиб боргани, у жаноб эса Унсин чечани эмас бо-

шқасини кутганини айтгач, яна қайта тирилганини кўпириб айтишидек чўпчакдан хандон отяпти.

Ғамнок Зарифа 1941 йил ёзи, соат 11 лар чамаси Ойбек сартарошга кетиб хапқириб қайтиб келгани-ю, ойисининг қалтираб келишига уруш бошлангани-ю, Ойбекнинг “Ёвга ўлим”, “Ватанни сев”, “Йигитларга” шеърларини эслапти.

Бека Зарифа уруш йиллари сутли сигир ҳовли нархига тенглашгани, гавҳар тошли сирғасини 16 шиша зиғирга алмашгани, пардаси йўқ уйда ҳам “Пардамиз йўқ, бахтимиз бор” шиоридан куч олгани-ю, “Кулфатдир ҳаётнинг ҳамроҳи”, “Пахса деворларнинг харобалари”, “Сочларининг чангига боқма” шеърлари тарихини очяпти.

Етим қолган Зарифа отаси вафот этган кунда атайин Ойбекни уйдан олиб кетгани, Ойбекнинг “Кўркма, балки сўроққа чакиргандир!”-деган нидоси-ю, 1942 йилда Ойбек артистлар билан фронтга жўнаганидан хабар берапти.

Хабарчи Зарифа ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академиясига учта Тошмуҳаммад, академия президенти Тошмуҳаммад Қори Ниёзий, аниқ фанлар бўлимига Тошмуҳаммад Саримсоқов, гуманитар фанларга Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек раис бўлганидан дарак берапти.

Иродали Зарифа 1944 йил Ҳамид Олимжон вафотидан сўнг учта лавозим Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси гуманитар фанлар раҳбари, “Шарқ юлдузи” муҳаррири бўлган Ойбекка бир умр далда, юпанч бўлгани-ю, тоби қочиб йиқилганидан хижолат бўляпти.

Бемор Зарифа ёнига келган Ойбекнинг “Зарифа, Бобур ўғли Хумоюн дардини олиш учун атрофида айланиб Худога ёлворди, ниятим атрофингда айланиб дардингни олсам дейман”-деган таскинидан кўзи ёшланыпти.

Гўзал Зарифа Ҳазрат Навоийнинг

500 йиллик юбилейида “Навоий” театри ёнида машинадан тушганида ҳамма қарагани, Ойбекнинг хаёли “Навоий” романи, юбилейда, аммо унинг хаёли тирик Навоийда эканлигидан ғурурлянапти.

Ҳокисор Зарифа душманлар “Навоий”дан хато тополмагач “Олтин водийдан шабадалар”га ёпишгани, асардаги туя ҳақида атайин ёзилгани, машина эмас туя тасвирланиши буганги кунга ношукрлик, қоқ тарғиботи, деган тухматлардан чарчаяпти.

Меҳрибон Зарифа хаста Ойбек учун ҳар куни каптар ташиб келиши, Ёз чилласида Ойбек пахтали чопон кийиб ҳовлини айланиб терлаш орқали даволанишидек муолажа-ю, шол ўнг қўли билан асал мумига кўй мойи қўшилган коптокчани эзаётган, чап қўлда “Қуёш қораймас”, “Нур қидириб” устида ишлаётган ёзувчига мўлтириб қараяпти.

Саёҳатчи Зарифа Ойбек 17 йиллик хасталикдан сўнг янги уйга кўчгани, Шароф Рашидов Ойбекка шифо тилаб уни Хитойга юборгани, Ойбекнинг игнатерапияни бошлагани-ю, ўша пайт аксарият хитойликнинг оёқяланг шаҳарга юрганидан хайратда қолган Ойбекнинг кўзларига боқяпти.

Армонли Зарифа Ойбек Бухоронинг сўнгги амири ва 1917 йилги тарихи, Фитрат, Файзулла Хўжаев жасорати ҳақида асар ёзиш учун 1968 йилда Бухорога бориб зиёлилар, тарихчилар билан учрашгани-ю, афсус бу асарни яратиш насиб этмаганидан ўқиняпти.

Сўзамол Зарифа Ойбек билан Бухоро сафаридан сўнг Навоий шаҳрига келгани-ю, бу шаҳарга “Эрталардагидек кўркам шаҳар”, деб баҳо берапти.

Бева Зарифа 1968 йилнинг 1 июлида Ойбекнинг сўнгги сўзлари “Ўляпман Зарифа, мендан рози бўл” нидосидан эсанкираяпти.

Жонибек ШУҲРАТОВ